ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ ФОНДИГА

Тошкентдаги «Шарқ» мебель фирмаси коллективи якунловчи йилда «Сифат — асосий кўрсаткич» шиори остида меҳнат қилаётир. Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган кўплаб ташаббуслар корхонанинг барча участкаларида кенг ёйилмоқда.

Айниқса, П. Ильинец раҳбарлик қилаётган 1-филиал коллективи бошлаб берган ташаббус айни кунларда ҳамма участкаларда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу илғор коллектив 15 февраль куни коммунистик шанбалик эълон қилиб, шу куни жаъми 6 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқарди ва иш ҳақининг бир қисмини тинчлик фондига ўтказди.

Шу кунларда бу ватанпарварлик ташаббусига қўшилган бошқа участка коллективлари ҳам тинчлик фондига салмоқли маблағ ўтказмоқдалар. Бундан ташқари 19 апрель куни ўтказиладиган Бутуниттифоқ қизил шанбалигига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Фирма меҳнат аҳли 19 апрель куни жами 41 минг сўмлик турли хил мебель буюмларини ишлаб чиқаришга қарор қилди. Инженер-техник ходимлар эса шу куни барча цехлардаги дастгоҳларни ва бошқа асбоб-ускуналарни жорий ремонтдан чиқариш режаларини тузиб қўйишди.

Шанбаликда, шунингдек, корхона территорияси тартибга келтирилади, 200 туп дарахт кўчатлари, 1500 туп бута ва 300 дан ортиқ турли хил гул кўчатлари ўтказилади. Шанбаликда иштирок этган жами 1300 кишининг иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИЙ.

МУСОБАҚА САМАРАСИ

Ф. Носиров номли Янгиёўл пахта тозалаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари, тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ ишлаб, юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Меҳнатни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этиш катта самара бермоқда. Корхона аҳли иш вақтидан унумли фойдаланиб, мавжуд техника восталарини тўхтовсиз унумли ишлашини таъминлаб, якунловчи йилнинг дастлабки икки ойлик планини муддатидан илгари бажарди. План бўйича якунловчи йилнинг икки ойида 7 миллион 650 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиниши керак эди. Коллектив бу кўрсаткични 8 миллион 319 минг сўмга етказиб бажарди. Планга қўшимча равишда 679 тонна тола, 106 тонна линт ишлаб чиқарилди.

Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган коммунист Абдуғани Абдувалиев бошлиқ 3-бригада ишчилари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Заводнинг илғор ишчиларидан Ф. Хўжаева ва линт яратувчи Н. Хошимовалар «Ўзбекистон пахтакори» конкурсининг ғолиби бўлдилар. Саноатчиларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган пахта тозаловчилар тўрт йиллик планларини муддатидан ўн куни илгари адо этишга азму-қарор қилишди.

А. ШАРАФИЕВА.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 48 МИНГ МЕТР

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тикув фабрикасида С. Пўлатов бошчилик қилаётган комплект энг пешқадам ҳисобланади. Бу фидокор коллектив фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги байрами шарафига зиммага олинган мажбурият олиб ишлаяпти. Улар 9 май байрамига пландан ташқари 48 минг метр газлама ишлаб чиқаришга, барча маҳсулотни фақат аъло сифат билан топширишга аҳд қилдилар.

Пешқадамлар бундай юқори кўрсаткичга социалистик мусобақани кенг авж олдириш ва уни тўғри ташкил қилиш эвазига эришишмоқчи.

Қувончли натижаларни қўлга киритишда, айниқса, С. Пўлатовнинг ҳиссаси катта. У комплектдаги мавжуд станокларнинг смена давомида бенуқсон ишлашини таъминлайди. Тўқувчилар Г. Мимеляшвили, Л. Виноградовалар эса нормадаги 23 ўрнига 32 тадан станокни бошқаришмоқда.

Х. СОДИҚОВ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 64 (5413).

1 АПРЕЛЬ СЕШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Қўшимча маҳсулот

Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи Чирчиқ шаҳридаги пешқадам корхоналардан ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар коллективи давлат планларини ва зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Айниқса, корхона цехларида тобора авж олаётган социалистик мусобақа иш натижаларининг янада баракали бўлишига салмоқли таъсир кўрсатаяпти.

Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида муқобил план асосида меҳнат қилаётган машинасозлар ойлик планларини зиёдаси билан бажаришяпти. Ўтган январь — февралда пландагига қўшимча салкам 50 минг сўмлик турли-туман химия асбоб-ускуналари тайёрланди. Март ойи иш натижалари ҳам дуруст бўлаяпти. Ҳар куни қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Машинасозлар йиллик мажбуриятларини бекаму-кўст бажариш учун тобора жадал меҳнат қилмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 36- ва 37- моддаларига асосан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари, жамиятлари ва коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат тасдиқлансин:

Марказий сайлов комиссиясининг раиси **Маҳмудова** Наима Маҳмудовна — Ўзбекистон касаба союзлари республика Советидан.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Розиқов** Жалил — «Ташкенткабель» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Марказий сайлов комиссиясининг секретари **Орлов** Георгий Михайлович — Ўзбекистон маданият ходимлари касаба союзи республика комитетидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Абдуллаева Ҳожар — Сурхондарё область маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи ташкилотидан.

Абибуллаева Боғдагул — Қорақалпоғистон АССР давлат муассасалари ходимлари касаба союзи Чимбой район ташкилотидан.

Бозоров Алишер Уролович — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан.

Климанова Валентина Александровна — Қаршидаги СССР 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Меметов Жаъфар — Фарғонадаги Дзержинский номли тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Мўминова Розия — Наманганда-ги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи-газлама комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Номозов Мамазуҳур— Сирдарё область Гулистон районидаги «Октябрь» колхози аъзоларидан.

Нуруллаева Ўғилжон — Хоразм область Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхози аъзоларидан.

Пермяков Георгий Алексеевич — Бухородаги 163- Қурилиш трести уйсозлик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Саримсоқов Узоқбой Саримсоқович — Андижон область, Избоскан район коммунистик ташкилотидан.

Ҳамроқулов Баҳром Юсупович — А. Навоий номли Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари ва студентларидан.

Эшмуродов Маҳмуд — Жиззах область Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз ишчилари ва хизматчиларидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1975 йил, 28 март.
Тошкент шаҳри.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ТИНМАЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1965 ЙИЛ МАРТ ПЛЕНУМИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги тарихий март Пленумининг ўн йиллигига бағишлаб Тошкентда «Ҳозирги босқичда КПСС аграр сиёсатининг актуал проблемалари» деган мавзуда республика илмий ишлаб чиқариш конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирган. Конференцияда республика, область, шаҳар ва район партия ҳамда совет ташкилотларининг ходимлари, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, министрликлар, идоралар, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, матбуот, телевидение, радио ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов очди.

«КПСС Марказий Комитети 1965 йилги март Пленумининг қарорлари — партия аграр сиёсатининг негизи» деган мавзуда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов доклад қилди.

«Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлининг Қорақалпоғистон область партия ташкилоти томонидан изчиллик билан амалга оширилаётганлиги тўғрисида» Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камоловнинг ва «Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жорий этиш соҳасида Сирдарё область партия ташкилотининг тажрибаси» тўғрисида Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуровнинг докладлари ҳам тингланди. **(Докладларнинг қисқача баёни газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).**

Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари, экономика фанлари кандидати В. А. Антонов ўз нутқини КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасида белгилаб берган партия сиёсати масалаларига бағишлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Н. Рижов пахтачиликни янада ривожлантиришнинг асосий илмий йўналишлари ҳақида гапирди. Экономика фанлари доктори, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси К. И. Лапкин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш жараёнида социалистик мулк шаклини формасини ривожлантириш асосий тенденциялари тўғрисида батафсил гапирди. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри, экономика фанлари кандидати Э. Т. Шайхов ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларига тўхталиб ўтди. Шунингдек, йирик қўриқ ерлар массивларини комплекс суғориш ва ўзлаштириш тажрибаси тўғрисида «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроевнинг, қишлоқ ёшларини меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети биринчи секретари Э. Г. Ғафуржоновнинг, қишлоқ партия ташкилоти фаолиятида сиёсий ва ташкилий ишларнинг бирлиги тўғрисида Избоскан район партия комитети биринчи секретари У. Саримсоқовнинг, қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-сиёсий активлигини ва меҳнатдаги ғайратини ошириш тўғрисида Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси М. Г. Хваннинг нутқлари тингланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, республика Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. А. Габрельянц қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БАҲОРГИ ЭКИНЛАР ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 31 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — баҳорги дон экиш; иккинчи стун — эртаги сабзавот экиш ва кўчат ўтказиш; учинчи стун — беда сепиш (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	117,6	78,3	100,0
Ўрта Чирчиқ	108,0	88,3	74,1
Юқори Чирчиқ	101,8	75,7	78,7
Бекобод	101,3	80,3	97,3
Бўка	100,0	87,4	101,4
Калинин	100,0	97,2	100,0
Қуйи Чирчиқ	100,0	73,5	100,6
Оҳангарон	90,5	79,8	101,3
Чиноз	87,6	132,7	84,8
Пискент	81,2	93,0	95,3
Янгиёўл	56,3	71,8	82,6
Бўстонлиқ	53,7	71,4	14,7
Оржоникидзе	—	72,9	87,4
Область бўйича	93,1	82,6	86,6

ИЗОҲ. 1. Эртаги сабзавот ва пиёз экиш планга киритилганлиги сабабли бажарилиш проценти камайган.

2. Оққўрғон ва Янгиёўл районларида баҳорги дон экиш планидан қайта экилган кузги дон экиш чиқариб ташланган.

МЕХАНИЗАТОР ВА СЕЯЛКАЧИЛАР КОНКУРСИ

Ленин номли колхоз правлениеси биноси олдидаги кенг майдон эрталабданоқ гавжум бўлиб кетди. Колхоз инженерлари, агроном ва механиклари ҳам шу ерда. Улар чигит экиш агрегатларининг қандай созланганлигини бирма-бир кўздан кечириб чиқдилар. Агрегат аъзолари олдиндан белгилаб қўйилган чизиқлар орасида чигит экиш агрегатини юргизиб кўриб, синовдан ўтказдилар.

Чигит экиш олдидан механизатор ва сеялкачиларнинг конкурсини ўтказиш бу хўжаликда одат тусига кириб бормоқда. Ҳар йили чигит экиш мавсуми ва пахта терими олдидан ана шундай конкурслар ташкил қилинади. Ғолибларга қимматбаҳо мукофотлар берилади. Колхоз конкурсида ғолиб чиққан механизаторлар район бўйича ўтказиладиган конкурсларда ҳам олдинги ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Яқинда ўтказилган конкурсда механизатор Михаил Ким ва сеялкачи Мансур Ўринбоевлар биринчи, Фарид Вагапов ва Асанбой Каримовлар иккинчи, Вячеслав Хван ва Сергей Пак ўртоқлар учинчи ўринни эгаладилар.

Ҳамма агрегатлар кўрикдан ўтказилгандан кейин гаражга қараб йўл олди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар барча техника ва бошқа восталарнинг экиш кампаниясига қанчалик тахт қилинганлигини батафсил муҳокама қилишди.

— Техникани ҳар қанча пухта тайёрлаганда ҳам иш даврида бирон-бир камчилигини сезилиб қолиши мумкин,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Евгений Николаевич Пак.— Чигит экиш қизғин бошланган пайтда агрегатнинг беками-кўст ишлаши айниқса муҳим, чунки чигитни беш-олти иш кунида сифатли экиш зарур.

Ўтган йиллардаги тажрибалардан шу нарса маълумки, чигит экишнинг биринчи ва ҳатто иккинчи кунларида ҳам агрегат баъзи қисмларининг тўғри созланмаганлиги хусусан гербицид ноўғори сепилиши аниқланади. Масалан, Вячеслав Шегай ва Нурман Пердибоев, М. Холматов ва Б. Чиноэбеков агрегатида экиш қатор ораси бир мунча кенг ўрнатилган экан. Бу ҳар гектар ерда ғўза тупининг бир мунча камайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. А. Пушанов ва Ҳ. Хабибовлар агрегатида эса сеялка ғалтаги нотўғри созланган. Бу нуқсонлар ўз вақтида тузатилди.

Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг механизатор ва сеялкачилари якунловчи йил ҳосилига ана шу хилда катта тайёргарлик кўрдилар.

В. ЛИТВИНОВ.

МЕТАЛЛУРГЛАР ҒАЙРАТИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводи коллективи тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан якунлаш учун ўзаро социалистик мусобақани қизғин авж олдирмоқда. Корхонанинг металлургия цехи коллективи ишлаб чиқариш унумдорлигини тобора ошириб социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётир.

Бу цехда январь ойи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 102,4 процент қилиб бажарилган эди. Февраль ойида қўлга киритилган ютуқлар эса янада салмоқли бўлди.

Илғор цех ишчилари меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Яқинда улар ишлаб чиқараётган яна бир маҳсулот тури — ваербарсга Давлат сифат белгиси берилди. Бунда тажрибали ишчилардан Н. Аронин, В. Ким ва Н. Новиковлар қўшган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлди. Улар смена топшириқларини 180 процентга етказиб бажариш билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқдалар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисидаги Низом»нинг 25, 26-моддаларига мувофиқ область ижроия комитети **қарор қилади:**

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

239. Куйбишев сайлов округи

Маркази — Куйбишев номли колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Куйбишев номли колхоз, Оржоникидзе номли колхознинг Киров, Ленин, Педагогика кўчалари территорияси.

240. Жалоир сайлов округи

Маркази — Я. М. Свердлов номли 83-мактаб.

Чегараси: Оржоникидзе номли колхознинг Свердлов участкаси, Жалоир ва Водоканал аҳоли пунктлари.

241. Ўзгариш сайлов округи

Маркази — «Ўзгариш» совхозининг идораси.

Чегараси: «Ўзгариш» ва «Туркво» совхозларининг территорияси.

242. Хонобод сайлов округи

Маркази — «Қорасув» совхозининг идораси.

Чегараси: «Қорасув» совхозининг 1-бўлими, чўчқа-бўрдоқичилик базаси территориялари.

243. Қўшқўрғон сайлов округи

Маркази — «Қорасув» совхози 2-бўлимининг клуби.

Чегараси: «Қорасув» совхози 2-бўлими, Қумариқ ва Қўшқўрғон аҳоли пунктлари.

244. Горький сайлов округи

Маркази — М. Горький номли 89-мактаб.

Чегараси: Партия XXI съезди номли совхознинг 1, 2-бўлимлари, марказий техник хизмат кўрсатиш корхонаси, 39-автобаза ётоқхонаси, Транспорт ва Набережная кўчаларининг территорияси.

245. Бўка сайлов округи

Маркази — Охунбобоев номли совхоз идораси.

Чегараси: Охунбобоев номли совхоз территорияси.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

246. Қўрғонча сайлов округи

Маркази — «Қўрғонча» луб заводининг идораси.

Чегараси: «Қўрғонча» луб заводи, Оққўрғон экспериментал балиқчилик комбинати, Хожаков номли бригада территорияси, Коммунизм қишлоқ Советининг «Коммунизм» совхози.

247. Коммунизм сайлов округи

Маркази — «Коммунизм» совхозининг идораси.

Чегараси: «Коммунизм» совхозидаги Узоқ Шарқ участкасининг территорияси, Гул луб заводи, Комсомол, Яллама, Камалган, Қўрғон, Калқишлоқ, Ўртаовул, 2-Зангар, Найман, 1—2—3-Кучек, Ўлжа, Муродбўғиз участкалари.

248. Энгельс сайлов округи

Маркази — Энгельс номли колхоз правлениеси идораси.

Чегараси: Коммунизм қишлоқ Советининг Энгельс номли колхози территорияси, Хўжакент аҳоли пункти.

249. Гулистон сайлов округи

Маркази — «Победа» колхози правлениесининг идораси.

Чегараси: «Коммунизм» совхозининг Том. 1-Зангар участкалари территорияси, «Победа» колхози, Киров номли колхознинг Гулистон участкаси.

250. Киров сайлов округи

Маркази — Киров номли колхоз правлениесининг идораси.

Чегараси: Солдатское посёлкасининг территорияси, Гулистон, Набережная, Почтовая кўчаларининг (икки томони), Комсомольская, Киров, Суворов кўчалари, Советская кўчасининг (Чўчқабош дарвозидан поликлиникагача бўлган қисми), Колхозная кўчаси, Жуковская кўчасининг (Киров номли колхоз болалар боғчасидан бошланган қисми), Ангрен кўчаси.

251. Герцен сайлов округи

Маркази — Санэпидстанция идораси.

Чегараси: Солдатское посёлкаси, Малая, Лермонтов, кўчалари, Новая кўчаси (Комсомол кўчасидан бошлаб охиригача), Хлебная, Почтовая (Комсомол кўчасидан бошлаб касалхонагача,) Новопочтовая, Парковская, Коммунальная, Садовая, Красноармейская, Школьная, Комсомол кўчасидан охиригача), Степная, Весна кўчалари, колхозлараро қурилиш участкаси.

252. Чапаев сайлов округи

Маркази — Солдатское луб заводининг идораси.

Чегараси: Солдатское луб заводи, Киров номли колхознинг Чапаев ва Комсомол участкалари, Солдатское посёлкасининг Пушкин, Островский кўчалари.

(Давоми учинчи бетда).

(Боши газетамизнинг 27, 28 ва 29 март сонларида).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Милиция младший лейтенанти М. Нортожиевни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Хавфли жиноятчини ушлаш чоғида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун милиция младший лейтенанти Маъмур Нортожиев Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1975 йил 28 март.

ЖАСОРАТ

Бу воқеа Янгиёўлда рўй берди. Ярим кечага яқин кўчалардан бирида ёрдам сўраган қичқириқ эшитилди. Жиноят қидириш бўлимининг инспектори милиция младший лейтенанти Маъмуржон Нортожиев шу яқин атрофда эди. У воқеа содир бўлган жойга дружиначи билан бирга югуриб борганида, номаълум жиноятчи аёл кишига пичоқ ўқталиб, сумкасини тортиб олаётганлигини кўриб қолди.

Милиция ходими етиб келганлигини сезган жиноятчи қоча бошлади. Младший лейтенант содир бўлган воқеага тезда баҳо бериб, азият тортган аёлни дружиначига топшириб-да, ўзи бандитни таъқиб эта бошлади. Милиция офицери унга етиб олгач, олишув бошланиб кетди. Жиноятчи младший лейтенантга пичоқ уришга улгурди. М. Нортожиев оғриққа ва қон оқиб туришига қарамай, талончини ушлашга муваффақ бўлди. Бу талончи ғоят хавфли жиноятчи бўлиб, Янгиёўлга шундан бир кун олдин келган экан. Нортожиев госпиталда ётганидан кейин сафга қайтди.

Милиция младший лейтенанти Маъмуржон Нортожиев КПСС аъзоси, Совет Армияси сафларида хизмат қилган, ички ишлар министрлиги органларида ишлай бошлаганига беш йил бўлди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1965 ЙИЛ МАРТ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ — ПАРТИЯ АГРАР СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. ҚУРБОНОВ доклади

Ўртоқлар!

Коммунистик қурилиш процессида социалистик хўжалик системаси муттасил ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Партия совет жамиятининг олға томон қилаётган ҳаракати ҳар бир босқичида етилган соцнал-иқтисодий вазифаларни бажариш йўлидаги конкрет тадбирлар программасини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда.

«Бошқариш ва снёсатдаги бутун санъат — ўзининг энг асосий куч ва эътиборини нимага қаратиш кераклигини ўз вақтида ҳисобга олиш ва билишдан иборатдир». Партиянинг қишлоқдаги ҳозирги снёсати Ленининг мана шу талабларига мувофиқ келади.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми ҳозирги босқичдаги улуғвор воқеа бўлди. Шу кунларда кўп миллатли Ватанимизнинг меҳнаткашлари унинг ўн йиллик юбилейини кенг кўламда нишонлаяптилар.

Март Пленуми партия ва халқ ҳаётига ленинча кооператив план ғоялари, ленинча хўжалик юритиш принципларини янада амалга ошириш ва ривожлантириш тарихий босқичи сифатида кирди, қишлоқ хўжалигини янада жадал, комплекс ривожлантириш учун замин бўлиб қолди. Мамлакат бутун экономикасини юксалтириш ва совет кишилари фаровонлигини ошириш суръатлари қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети ва унинг Снёсий бюроси ўтказаётган ҳақиқатдан улкан ишларни, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев замонавий аграр снёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш методларига шахсан қўшаётган жуда катта ҳиссанинг натижаларини бугунги кунда биз равшан кўриб турибмиз.

Партия иқтисодий, моддий-техникавий ва ташкилий-снёсий чоралар мунтазам системасини ишлаб чиқди. Бу система қишлоқ хўжалигини юксалтиришда узоқ муддатли характерга эга бўлган кенг комплекс программада конкрет равишда ифодаланди. Унинг аҳамияти шундан иборатки, қишлоқда етилган масалаларни ҳал этишга принципиал янги реалистик ёндашув амалга оширилмоқда, халқ хўжалигининг шу муҳим соҳасини юксалтиришга рағбатлантирувчи пухта иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда. Ишлаб чиқаришни ҳамма чоралар билан интенсивлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ерларни мелиорациялашни, капитал қурилишни ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жорий этиш, бир қанча соҳаларни саноат негизига кўчириш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослашни чуқурлаштириш йўли планли равишда ўтказиб келинмоқда.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни бартараф этиш меҳнат ва маиший турмуш шароитлари юзасидан шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолисини бир-бирига яқинлаштириш, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш борасидаги бутун бир социал тадбирлар системасининг амалга оширилиши муҳим йўналиш ҳисобланади.

КПСС ҳозирги аграр снёсатининг асосий мақсади қишлоқ хўжалигини аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган, саноатнинг эса хом ашёга бўлган ва доимо ўсиб бораётган эҳтиёжларини мумкин қадар кўпроқ қондиришга имкон беруврчи даражагача юксалтиришни таъминлашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид этишни планлаштириш, уларни харид этиш системасини яхшилашни такомиллаштиришда колхозчиларга гарантияланган ҳақ тўлашни жорий этиш йўли билан меҳнатни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларини ошириш, пландан ташқари сотилган маҳсулот учун қўшимча ҳақлар белгилаш каби катта-катта иқтисодий чоралар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Совхозларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш, корхоналарда ички хўжалик ҳисоб-китобини такомиллаштириш, колхозларга банк берадиган қарзларни ёпиштириш, колхозлардан олинадиган даромад солиги янги тартибини ўрнатиш ҳамда бошқа бир қанча иқтисодий омиллардан фойдаланиш йўли билан хўжалик ҳисобига асосланган муносабатларнинг қишлоқ хўжалигига жорий этилиши бошқа муҳим тадбирлардан бўлди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шу иқтисодий чоралар комплексини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларни кўпайтириш ва тўққизинчи беш йилликда халқ хўжалигига сарфланадиган умумий капитал маблағларнинг 26 процентига қадар етказиб миллий даромадни бирмунча қайта тақсимлашни мумкин деб ҳисоблайдилар. Марказий Комитетнинг март Пленумида қишлоқ эҳтиёжларига нисбатан амалга оширилган кескин бурилиш моҳияти мана шундан иборат эди.

Социалистик индустрия ўтган 10 йил ичида колхоз ва совхозларга 3 миллион трактор, 1,6 миллион юк автомобили ва ихтисослаштирилган автомобиль, 906 мингта ғалла комбайнлари тайёрлаб берди. Давлат корхоналари ва колхозларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 2,4 баравар, меҳнатнинг фонд билан таъминлаш даражаси 2,5 баравар кўпайди.

Республикамизнинг қишлоқ хўжалигига сарфланувчи капитал маблағлар ҳам жуда катта кўламда кўпайди. Еттинчи беш йилликда давлат ва Ўзбекистон колхозларининг қишлоқ хўжалигига сарфлаган пул маблағлари 2,7 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида 6,6 миллиард сўмга борди. Республика колхозлари ва совхозларининг моддий техника базаси анча мустаҳкамланди. 1974 йилнинг ўзидагина Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига жами қуввати 1.071 минг от кучига борадиган 17,4 мингта трактор, 6,5 мингта юк автомобили ва ихтисослаштирилган автомобиль, турли вазифаларга мўлжалланган 2,9 мингта комбайн, 5,1 мингта пахта териш машинаси ва бошқа кўп қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш системасининг яхшиланиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда муҳим роль ўйнади. Пленум беш йилликда дон тайёрлаш юзасидан қатъий планларга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бошқа маҳсулотлар юзасидан харид планлари беш йилликнинг ҳар бир йилига алоҳида-алоҳида қилиб тасдиқлана бошлади. Давлатга пландан ташқари маҳсулот сотиш рағбатлантирилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари коллективларини иқтисодий жиҳатдан ҳам рағбатлантириш кучайтирилиши билан бирга қишлоқ меҳнаткашларининг шахсий моддий манфаатдорлигини ошириш йўли изчиллик билан ўтказилди. Колхозларда гарантияланган ойлик маош тайинланди, пенсия таъминоти яхшиланди, колхозчилар социал страховацией жорий этилди. Трактор машинистлар тариф ставкалари оширилди ва иш стажлари учун қўшимча ҳақлар белгиланди. Фермалардаги чорвадорлар, чўпонлар ва бошқа категориядаги ходимларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди.

Колхозларда ички хўжалик ҳисоби принциплари активроқ қўлланила бошлади, давлат секторида эса совхозлар тўла хўжалик ҳисобига ўтказила бошлади, ҳозир эса бундай ҳисобга ўтказиш ишлари поёнига етказилмоқда.

Партия қишлоқ хўжалиги аҳволини, унинг тараққиёт тенденцияларини кўриб чиқиб, шу соҳа олдида турган вазифалар миқёсларини чамалаб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлаш проблемаларига, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини қатъий мустаҳкамлаш, уни индустриал негизга ўтказишга катта эътибор бермоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленумида қуйидагиларни таъкидлади: «Ҳозирги шароитларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, уни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш суръатларини белгилаб берувчи ҳал қилувчи омил эканлигини фан ва тажриба кўрсатиб турибди». Бизда бу масалани ҳал этишнинг бошқача йўли йўқ. Энди мамлакатимизда экин майдонларини катта кўламда кенгайтириш учун бўш ерлар йўқ. Аксинча, аҳоли жон бошига деҳқончилик ерлари сақни камайиб бормоқда. Бинобарин, ҳар бир гектар ер йил сайин тобора кўпроқ маҳсулот бермоғи керак.

Қишлоқ хўжалигининг замонавий техника билан мўлкўл таъминланиши партия аграр снёсатининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, саноат ишчиси билан деҳқон меҳнати ўртасидаги мавжуд тафовутларни қадамба-қадам бартараф этиш каби катта-катта социал проблемаларни ҳал қилиш учун кўп техника зарур.

Партиянинг аграр снёсати қишлоқ хўжалигини химиялаштириш йўлини ўз ичига олади. Партия минерал ўғит саноатини ривожлантириш борасида туб чоралар қабул қилди. Давлат республикамизнинг пахтачилик ва бошқа хўжаликларига жуда кўп ўғит, гербицид, дефолиант моддалари ҳамда ўсимлик зараркунандаларига қарши курашиш химиявий воситалари бермоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида узоқ муддатга мўлжалланган комплекс программани амалга оширишда мелиорация ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Партия мамлакатимизда ерларнинг кенг кўламда мелиорация қилинишини барқарор қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яратишнинг сўзсиз шарти эканлигига асосланади. КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми мелиорациялаш масалаларига бағишланди ва бу Пленумда Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан мелиорация ишларини ўтказиш борасида узоқ муддатга мўлжалланган катта программа ишлаб чиқилди ва у эндиликда амалга оширилмоқда. Мелиорация ишларининг катта кўламда ва комплекс ҳолда бўлиши, тор маҳаллий вазифалардан юксак инженерлик классидаги замонавий катта ирригация системалари қуришга ўтиш шу программа учун характерлидир.

Сув хўжалиги қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш программаси Ўзбекистонда айниқса кенгайтириб юборилди. Ўтган ўн йил ичида республикада жуда катта сув қурилиши ишлари бажарилди, катта-катта сув омборлари, каналлар, коллектор-зовур тармоқлари қурилди, 700 минг гектар чамаси янги ер ўзлаштирилди ва суғорилди, миллион гектардан зиёд майдон сувга сероб қилинди, қарийб миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Коллектор-дренаж тармоғининг узунлиги 1,5 баравар ошди. Эндиликда сув омборларининг умумий сиғими 4 миллиард куб метрга, суғориш ва мелиорация каналларининг узунлиги 200 минг километрга яқинлашади. Айни суғориш мавсумининг ўзида 32 миллиард куб метрдан ортиқ сув кетади.

Республикада фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда қўриқ ерларни комплекс равишда ўзлаштириш борасида катта тажрибалар орттирилди. Суғориладиган деҳқончилик тарихида биринчи марта Мирзачўлни ўзлаштиришда қишлоқ хўжалик оборотига киритилаётган массивлар қуриш процессининг ўзидаёқ маҳсулот бермоқда. Қарши чўли ерлари комплекс равишда янгича ўзлаштирилаётган катта бир район бўлиб қолди. Марказий Фарғона, Сурхон, Шеробод массивлари ва Чирчиқ водийсида, Амударё этакларида, Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг бошқа ҳамма областларида янги ерларни ўзлаштириш борасида катта-катта ишлар қилинмоқда.

Хўжаликларнинг янги техника билан таъминланиши, махсус ўрта ва олий маълумотли кадрларнинг қишлоққа келиши, колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш чораларининг кўрилиши қишлоқ хўжалигини концентрациялаш ва ихтисослаш учун, уни саноат технологиясига ўтказиш учун имконият яратди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш борасида кўп ишлар қилинди. Колхозлар ва совхозлар пахта, шоли ва сабзавот, картошка, мева ва узум етиштириш бўйича ихтисослаштирилди. Қарийб ҳамма хўжаликлар асосий соҳани ривожлантирган ва ўз озуқасига асосланган ҳолда сут, гўшт ва пилла етиштирмоқда. Чўчқачилик, йилқичилик, асаларичилик каби соҳаларга ихтисослашган совхозлар ҳам бор.

Яқин йиллар ичида чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш базасида ривожлантириш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг яқинда қабул қилган: «Ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ихтисослаштириш ва колхозлараро кооперация асосида чорвачиликни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорида баён қилинган катта вазифаларни ҳал қилмоғимиз лозим.

Ҳозир Ўзбекистонда иккита аграр-саноат бирлашмаси, 4 та совхоз-завод ва 31 та колхоз-завод бор. Аграр-саноат бирлашмалари юксак самара билан ишламоқда. Масалан, бу корхоналарда битта ишчи ҳисобига худди шундай ихтисослашган, лекин хом ашёни қайта ишлаш саноат кўламига эришмаган колхоз ва совхозлардагига нисбатан бир йилда ўрта ҳисоб билан 1,5 баравар кўп ялпи маҳсулот ва 1,6 баравар кўп соф даромад ҳосил қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқинда тузилган аграр-саноат бирлашмаси — «Узплодоовощвинпром» мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ихтисослаш ва аграр-саноат асосида интеграциялаш жараёнларини тезлаштиришга шўбҳасиз ёрдам беради.

Ишлаб чиқаришни мураккаб ва чуқур қайта қуришни бирданига ва ёппасига ўтказиб бўлмайди, албатта. У катта капитал маблағларни, моддий-техника воситаларини, соҳа, район, ҳар бир айрим хўжалик табиий-иқтисодий хусусиятларини ҳар томонлама назарда тутилишини тақозо этади. Айни маҳалда ҳаёт талабларидан орқада қолмаслик учун ихтисослашиш ишини чўзиб юбориб ҳам бўлмайди.

Партия қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишни илм-фан тараққиёти, фан-техника ютуқларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлайди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин илмий муассасаларнинг моддий-техника базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, илғор, ижодий, илмий соҳаларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанининг арбоблари пахтачиликда эришилган муваффақиятларга катта ҳисса қўшдилар. Селекциячиларимиз ғўзанинг жаҳонда энг яхши сермаҳсул навларини яратдилар. Республикада ипак пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш соҳасида ишлар олиб борилмоқда.

Жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш шу босқичда партия иқтисодий снёсатининг ўзаги ҳисобланади. Бу ишнинг муваффақияти фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ҳамма резервларидан фойдаланиш суръатларига тамомила боғлиқ.

Кейинги йилларда ғўзани кенг қаторлаб парваришлаш, ерларни қўш ярусли ер ҳайдаш, қора чигитни аниқ қилиб экиш, гербицид моддалар ишлатиш, ғўзани механизмлар воситасида чеканка қилиш каби ишлар муваффақиятли жорий этилмоқда. Техника тараққиётини жадаллаштириш, комплекс равишда механизациялашни ривожлантириш, пахта етиштиришни донмо кўпайтириш ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик бошқа маҳсулотларини етиштиришни доимо кўпайтириб боришнинг ҳал қилувчи шарти бўлиб қолди. Республикада техникани кенг кўламда ишлатмай туриб шунчалик пахта етиштириб бўлмайди. 1974 йилда 2,7 миллион тонна пахта, яъни жами ҳосилнинг ярмидан ортиғи машинада терилди. Терим машиналари бир ярим миллион кишининг қурби етадиган ишни бажарди. Пахта териш машиналари, кўсак териш машиналари, механик подборщиклар ва бошқа техникани кенг кўламда ишлатиш пахта териш ва уни давлатга топширишдаги жамики ишларни ташкил этишни тубдан ўзгартириб юборди.

Шу билан бирга биз механизациялаш даражасини, айниқса чорвачиликни механизациялаш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш борасида ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз лозимлигини ҳам биламиз. Бусиз ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан, меҳнат унумдорлигини юксак суръатлар билан ошириб бўлмайди, маҳсулот таннархини арзонлаштириб бўлмайди.

Партия ва ҳукумат ер ресурсларидан тўғри фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерни сув ва шамол эрозиясидан асраш масалаларига катта эътибор бериб келмоқдалар. Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари мелиорация, химиялаштириш, пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш асосида ерларнинг унумдорлигини муттасил ошириб бормоқдалар. Ўтган йили ўртача пахта ҳосилдорлиги 1970 йилдагига нисбатан гектар бошига 4,5 центнер кўпайди. Хоразм областининг хўжаликлари ҳар гектар ердан 41 центнердан зиёд «оқ олтин» олдилар, 380 колхоз ва совхоз гектар бошига 30-40 центнердан пахта етиштирди.

Тўққизинчи беш йилликда ҳосилдорликнинг амалда ўсиш суръатлари пландан устун келмоқда. Бунинг натижасида саккиз район, 40 совхоз ва 110 та колхоз давлатга пахта сотиш юзасидан беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш шарафига муяссар бўлди.

Марказий Комитет 1965 йил март Пленумининг қарорлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу тарихий Пленумнинг снёсий, иқтисодий ва социал аҳамияти ҳозир, орадан ўн йил ўтгач яққол кўзга ташланди.

КПСС аграр снёсатининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал суръатлар билан ривожланишини, унинг иқтисодий самарадорлиги ошишини, халқ фаровонлигининг кўтарилишини таъминлади.

1961—1965 йилларда мамлакат бўйича ялпи маҳсулот қийматининг ўртача йиллик ўсиши 2,3 процент даражасида бўлса, 1966—1970 йилларда 3,9 процентга етди. 1974 йил аҳоли жон бошига етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти 1964 йилдагига нисбатан 23 процент кўп бўлди.

Мамлакатнинг ер фондидан фойдаланиш яхшиланди, ҳамма қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги ошди. Меҳнат унумдорлиги 1965 йилга нисбатан 57 процент кўпайди, ишлаб чиқариш рентабеллиги ошди. 1964 йилда мамлакат колхозларида қорамол гўшти етиштириш рентабеллиги минус 19 процентни ташкил этган бўлса, 1973 йилга келиб плюс 16 процентга чиқди, дон етиштириш рентабеллиги эса 13 процент кўтарилди ва ҳоказо. Колхозларнинг соф даромади 1,6 баравар кўпайди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган пул икки баравардан зиёд кўпайди. Саккизинчи беш йилликда ойлик меҳнатга тўланадиган ўртача ҳақ 1965 йилдагига нисбатан 46 процент, совхоз ишчиларининг иш ҳақи 35,5 процент кўпайди. Шу беш йилликнинг тўрт йилида эса ойлик ўртача иш ҳақи яна 22 процент ва совхоз ишчиларининг иш ҳақи 22,5 процент кўпайди.

Аҳоли жон бошига асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол этиш даражаси сут ва сут маҳсулотлари юзасидан 1964 йилдаги 238 килограммдан 1974 йилда 312 килограммгача, гўшт маҳсулотлари юзасидан 38 килограммдан 55 килограммгача, тухум юзасидан эса 112 донадан 205 донагача кўпайди.

Март Пленумининг таъсирида республикамиз қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари каттакатта муваффақиятларга эришдилар. Ерларни мелиорациялаш, химиялаштириш ва комплекс равишда механизациялашни кенг кўламда ривожлантириш натижасида ишлаб чиқариш суръатлари ошди, колхозларнинг даромадлари ва совхозларнинг фойдаси кўпайди, қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлиги муттасил кўтарилиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун Умумиттифоқ социалистик мусобақаси омма ижодий активлигининг яққол намойиши бўлди, бу мусобақада амалда қишлоқнинг ҳамма меҳнаткашлари қатнашмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, республика халқ хўжалигини комплекс равишда ривожлантириш борасида доимий собитқадам иш олиб бормоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ички резервлардан, машиналарнинг техник имкониятларидан, ҳамма моддий ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга имкон беради.

Партия ташкилотларининг жуда катта ташкилий ва снёсий ишлари, колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассислар, саноат ходимларининг фидокорона меҳнатлари республикамиз қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларга олиб келди.

Кейинги беш йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти март Пленумидан олдинги беш йилликка нисбатан 1,5 баравар кўпайди, ўн йил мобайнида фонд билан таъминланиш 2,5 баравар, битта ишчи ҳисобидан энергия билан таъминланиш 1,7 баравар кўпайди.

Пахтачиликда айниқса катта муваффақиятларга эришилди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин ўтган ўн йил мобайнида Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари 43 миллион тоннадан кўпроқ пахта етиштирдилар. Кейинги беш йил ичида ҳар йили ўрта ҳисобда 1960—1964 йилдаги 3,153 минг тонна ўрнига 4,791 минг тоннадан пахта етиштирилди. Ёки пахта етиштириш бир ярим баравардан зиёд кўпайди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳам анча кўпайди. Чунончи ғалла етиштириш 1,3 баравар, шу жумладан шоли 3,2 баравар, марказий ҳўхори 3,7 баравар кўп етиштирилди. Мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш икки баравар, ғўшт 1,4 баравар, сут 1,6 баравар, тухум етиштириш 9 баравар, пилла 1,4 баравар кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муваффақиятлар тўғрисида гапирганда бизнинг индустриямиз шаҳарлар, саноат марказларининг меҳнаткашлари, ишчилар синфимиз бу ишга жуда катта ҳисса қўшаётганлигини уқтириб ўтиш керак.

КПССнинг аграр снёсатини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини жадал юксалтириш системасида ташкилий раҳбарлик савиясининг оширилиши, қишлоқ район партия комитетлари фаолиятининг активлаштирилиши, колхоз ва совхоз бошлангич партия ташкилотларининг мустаҳкамланиши, дала ва фермалар ходимларининг меҳнатдаги ғайрати ва снёсий активлиги ошганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси, бизнинг барча муваффақиятларимиз — жамиятимизга бизнинг Коммунистик партиямиз сингари синалган снёсий кучнинг бошчилик қилганлиги натижасидир. Жуда бой ленинча ғоялар билан қуроллаган партиянинг раҳбарлиги туфайли қишлоқ хўжалигининг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш, субъективизм ва волюнтаризм оқибатларини тугатиш, халқни жипслаштириш, колхоз ва совхоз экономикасини янада юксалтиришни таъминлаш учун Совет Социалистик тузумининг бутун куч-қувватидан фойдаланиш учун тўғри йўл танлаб олиш имкониятя вужудга келди.

Социалистик қишлоқ хўжалиги ўз тараққиётида партия программасида баён этилгандек юксак сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллигини вужудга келтириб ва Совет қишлоқларининг қадамба-қадам коммунистик ишлаб чиқариш муносабатларига ўтишни таъминлаш даражасига эришмоғи керак.

Мамлакат хўжалик ривожининг узоқ муддатли йўналишига мувофиқ равишда олиб бориладиган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош истиқболини белгилаб чиқиш бу соҳада катта аҳамиятга эгадир. Бу ишда план органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, бизнинг олимларимиз ғоят актив қатнашишлари лозим.

Фан-техникани тараққий эттиришда, илғор технологияни ишлаб чиқишда, замонавий, серунум машиналарни яратишда, қишлоқ хўжалик экинларининг серҳосил навларини, маҳсулдор чорва молларини ва парранда-ларни етиштиришда, қишлоқ хўжалигини янада кескин юксалтириш, етиштириладиган маҳсулотнинг сифатини оширишга қаратилган бошқа проблемаларни ҳал этишда биз план органларидан, илмий-тадқиқот муассасаларидан, олимларимиздан кўпгина ишлар кутмоқдамиз.

Фан-техникани тараққий эттиришни жадаллаштириш ва хўжаликни бошқариш механизмни ҳамда методларини такомиллаштириш иқтисодий қурилишнинг асосий воситаси эканлиги КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленумида алоҳида куч билан таъкидлаб ўтилди. Иқтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва сифат даражасини кескин ошириш учун, унинг тез суръатлар билан интенсив ривожланишини таъминлаш, капитал маблағлардан ва мавжуд қувватлар, ишчи кучлари ва моддий ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот етиштиришни кўпайтириш керак.

Иқтисодий снёсатнинг бу йўналишлари келгуси беш йилликда ҳам совет кишиларининг фаолияти учун асосий йўл бўлиб қолади. Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, келгуси беш йилликнинг аввало сифат беш йиллиги, халқ фаровонлигини янада ошириш мақсадида самарадорлик беш йиллиги бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида сифат учун кураш — деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш, ҳар бир гектар ердан, сарфланган ҳар бир сўмдан, ҳар бир соат қилинган меҳнатдан энг кўпроқ унум олиш демакдир.

Докладчи яқинда Москвада бўлиб ўтган илмий-назарий конференциянинг якунлари тўғрисида батафсил гапирди. Маълумки, бу йил 26 мартда Москвада КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленумининг ўн йиллигига бағишлаб илмий-назарий конференция бўлиб ўтган эди. Ҳар бир область партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг, республикадаги районлар, колхозлар, совхозлар, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар ҳамда корхоналарнинг кундалик фаолияти учун шу конференциянинг материалларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эгадир.

Ўртоқлар! КПССнинг илмий асосланган аграр снёсати, дейди докладчи, замон синовидан ўтди, ўзининг ҳаётбахш кучга эга эканлигини амалда исбот этди. Бизнинг вазифамиз мана шу йўлни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан амалга оширишдан, бу йўлни янги вазифаларни ҳамда ҳаёт талабларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш ва жамиятимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ва тинмай ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ таъминлаш учун колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга эришишдан иборатдир.

* * *

Конференцияда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов область партия ташкилоти қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлини изчиллик билан амалга ошираётганлиги тўғрисида батафсил гапириб берди.

Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажара бориб, раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштириб, колхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг жанговарлик қобилиятини ошириш чораларини кўрди. Жойлардаги ходимларнинг ташаббуси ва ижодий имкониятларига ишонч мустаҳкамланди. Кадрлар билан ишлашда ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити вужудга келтирилди. Районлар, колхозлар, бригадалар энг мақбул ҳажмга келтирилди, совхозлардаги бўлимлар қайта тикланди. Тармоқларга қараб зона ва хўжаликлараро ихтисослаштиришни кучайтиришга киришилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини планлаштириш яхшиланди. Совхозларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш тадбирлари амалга оширилди.

Область партия ташкилоти давлат ажратиб бераётган кўп миқдордаги капитал маблағлардан ғоят самарали фойдаланиш учун зарур тадбирларни кўрди. Орол денгизи атрофидаги тақир ерларда тўққизта цоликорлик совхозининг замонавий посёлкалари қад кўтарди, уларда ишлаб чиқариш бинолари, уй-жой, мактаблар, медицина муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди. Таҳиатош гидроузели сингари ноёб иншоот қуриб ишга туширилди. Электр тармоғини қуриш ва қишлоқ жойларда яхши йўллар барпо этиш соҳасида кўп иш қилинди.

Автоном республика хўжаликларидаги асосий фондлар ўтган ўн йил мобайнида 2,4 баравар кўпайди, машина-механизмлар батамом янгиланди, трактор паркининг қуввати янги замонавий машиналар ҳисобига 17 баравардан зиёд кўпайди. Ҳозир Қорақалпоғистон колхоз ва совхозларида 16 мингдан ортиқ, яъни 1965 йилдагидан 1,4 баравар кўп механизатор меҳнат қилмоқда.

Қорақалпоғистон партия комитетлари ерларни мелиорациялашнинг узоқ муддатли программасини амалга оширишга доимо эътибор бериб келмоқдалар. Суғоришни ривожлантириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ерларни ўзлаштириш ва экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида анчагина иш қилинмоқда.

Докладчи КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистонда амалга оширилган тадбирларнинг самарадорлигини кўрсатувчи салмоқли рақамларни айтиб берди.

Еттинчи беш йилликка нисбатан деҳқончилик ва чорвачиликнинг йиллик ўртача ялпи маҳсулоти саккизинчи беш йилликда 26 процент кўпайган бўлса, тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даври ичида 57 процент ошди. Ўн йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 1,5 баравар кўпайди. Ўн йил ичида автоном республикада пахта етиштириш 1,6 баравар, шоли ва сабзавот етиштириш 5 баравар, полиз маҳсулотлари етиштириш 2,3 баравар, сут етиштириш 1,4 баравар, тухум етиштириш 4,5 баравар кўпайди.

Қорақалпоғистоннинг барча меҳнаткашлари, деди пировардида докладчи, ўзларининг бутун куч-ғайратларини КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга, беш йиллик планни муваффақиятли туғаллашга, қишлоқ хўжалигини янада гуркиратиб ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратишга қаратмоқдалар.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров ўз докладида КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиётини жорий этиш соҳасида область партия ташкилоти олиб борган ишларини атрофлича анализ қилиб берди.

Ўтган ўн йил мобайнида область қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга давлатнинг ва колхозларнинг ярим миллиард сўмга яқин маблағи сарфланди. салкам 80 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, 15 та янги совхоз, 3 район ташкил этилди. Область колхоз ва совхозлари 7790 та трактор, 3697 та пахта териш машинаси олди, хўжаликларнинг энергетик қувватлари 2,6 баравар ошди, электр энергия истеъмол қилиш 2,4 баравар кўпайди, колхоз ва совхозларнинг асосий фондлари қиммати икки баравардан зиёд ортди. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликка айниқса баракали таъсир қилди.

Пахтачиликдаги ишлар кенг миқёсда механизациялаштирилганлиги натижасида ҳар бир ходимга тўғри келадиган экинзор 4,4 гектардан 5,5 гектарга етказилди, бир центнер пахта етиштиришга бўладиган меҳнат сарфи эса 3,8 одам кунидан 2,8 одам кунига туширилди.

Докладчи фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш соҳасида область партия ташкилоти қилган ишларни таҳлил этиб, кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор беради. Партия ташкилотлари коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига жойлаштириш, бригадалар, фермаларда, цех партия ташкилотларда ва партия группаларини тузиш учун кўп иш қилдилар. Ҳозир қишлоқдаги ҳар тўрт коммунистнинг бири механизатор, ҳар ўн коммунистдан бири эса қишлоқ хўжалиги мутахассисидир. Бригада ҳамда фермалардаги коммунистлар ва партия ташкилотлари ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ундан фойдаланиш, фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар, жамики янгиликлар ва илғор тажрибаларнинг ташаббускорлари бўлмоқдалар.

Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштиришни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга қишлоқнинг социал қиёфасини тубдан ўзгартиради. Сирдарё областида агрономлар, инженерлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари йил сайин кўпаймоқда. Ҳозир пахтачилик бригадаларининг бошлиқларининг 50 процентга яқини ўрта маълумотли, 14 проценти олий ва ўрта махсус маълумотли кишилардир. Механизаторларнинг кўпчилиги ўрта маълумот олишган, ёки ҳунар-техника билим юртларини битириб

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

253. Кетмонтепа сайлов округи
Маркази — Кетмонтепа луб заводининг идораси.
Чегараси: Кетмонтепа, луб заводи, Благовещенск аҳоли пункти, Кетмонтепа қишлоқ Совети, «ЎзССР беш йиллиги» қишлоқ Совети территориясидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг Навоий, Юсупов номли участкалари.

254. Свердлов сайлов округи
Маркази — Свердлов номли колхоз правлениесининг идораси.
Чегараси: Свердлов номли колхоз территорияси.

255. Ленин сайлов округи.
Маркази — Новожизненск луб заводининг идораси.
Чегараси: Новожизненск луб заводи ва Ленин номли колхозининг территорияси («Пятилетка», «Родина» участкаларидан мустасно).

256. «Заря» сайлов округи
Маркази — «Заря коммунизма» колхози правлениесининг идораси.
Чегараси: «Заря коммунизма» колхозининг территорияси ва Ленин номли колхозининг «Пятилетка» ҳамда «Родина» участкалари.

257. Қурилиш сайлов округи
Маркази — «ЎзССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг «Дўстлик» бўлими идораси.
Чегараси: «ЎзССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг «Дўстлик» бўлими, М. Чачи, Тинчлик, Ульянов номли бўлимларининг территорияси.

258. Марказий сайлов округи
Маркази — «ЎзССР беш йиллиги» тажриба хўжалиги марказий усадьбасининг клуби.
Чегараси: «ЎзССР беш йиллиги» номли тажриба хўжалиги марказий бўлими ва 6-бўлимининг территорияси.

259. Москва сайлов округи
Маркази — «Москва» колхози правлениесининг идораси.
Чегараси: «Огонёк» совхози ва «Москва» колхозининг территорияси.

260. Ленинград сайлов округи
Маркази — «Ленинград» колхози правлениесининг идораси.
Чегараси: «Ленинград» колхози ва Тошовул жут-каноп заводининг территорияси.

261. Дмитров сайлов округи
Маркази — Димитров номли колхоз маданият саройи.
Чегараси: Димитров номли колхознинг «Большевик», Крупская ва Марказий участкалари территорияси.

262. Иттифоқ сайлов округи
Маркази — Ҳамза номли колхоз правлениесининг идораси.
Чегараси: Ҳамза номли колхоз территорияси, Димитров номли колхозининг «Иттифоқ» участкаси ва Уяли луб заводи.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

263. Ўнқўрғон сайлов округи
Маркази — «Коммунист» колхозининг клуби.
Чегараси: Куйбишев номли қишлоқ территорияси.

264. Селекция сайлов округи
Маркази — селекция ва пахта уруғчилиги институтининг биноси.
Чегараси: селекция ва пахта уруғчилиги институти, «ТашГРЭСстрой» посёлкаси, «ТашГРЭСстрой» кўчаси 1-уйдан 119-уйгача, Ленин номли колхоз 16-бригадасининг территорияси, селекция ва пахта уруғчилиги институтининг 2-бригадаси, «Ўзбекгидроэнергострой» уйлари, область бирлашган касалхонаси, «Главташкентстрой»нинг 40-уйлар бошқармаси, «Средазэнергомонтажизоляция» Тошкент участкасининг «Октябрь» посёлкаси, Салор канали ёқасидаги Салор ГЭСи ва бош иншоотни посёлкалари.

265. Институт сайлов округи
Маркази — Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг биноси.
Чегараси: Тошкент қишлоқ хўжалик институти территорияси ва Ленин номли колхозининг Тимирязев участкаси.

266. Салор сайлов округи
Маркази — республика пахта уруғчилиги станцияси биноси.
Чегараси: Ленин номли шифохона, «Красний Октябрь» санаторийси ва унинг турар-жой массивлари, 4-болалар касалхонаси, Тошкент қишлоқ хўжалик институти 1-ўқув хўжалигининг ва республика пахта уруғчилиги станциясининг территорияси.

267. Завод сайлов округи
Маркази — 2-ғишт заводлари бошқармасининг биноси.
Чегараси: 2-ғишт заводи бошқармасининг территорияси, «Цементтеплострой» қурилиш бошқармаси, 7, 8-механизациялашган бошқарма турар-жойлари, Гагарин, Охунбобоев, Карамўртская, Гулистон, Колхозная, Железнодорожная кўчалари, Мичурин номидаги пионер лагери ва Ленин номли колхозининг «Бойжигит» массивидаги 13-бригадаси территорияси.

268. Маданият сайлов округи
Маркази — Беруний номли 32-мактаб.
Чегараси: «Маданият» колхозининг территорияси.

269. Шредер сайлов округи
Маркази — Соҳибкорлар мактабининг клуби.
Чегараси: Михайловский посёлкаси, Механика институти, Шредер номли институт ва институтининг турар-жой массивлари.

270. Киров сайлов округи
Маркази — «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг «Киров» участкаси клуби.
Чегараси: «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг «Саноат», «Ўртоқ». Киров участкалари территорияси.

271. Оржоникидзе сайлов округи
Маркази — Улуғбек номли 37-мактаб.
Чегараси: «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Оржоникидзе, Тельман, Сергели участкалари территорияси ва Ички ишлар министрлигининг «Ўзбекистон» дам олиш уйи территорияси.

272. Ватутин сайлов округи
Маркази — «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» участкасининг идораси.
Чегараси: «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг «Ўзбекистон 40 йиллиги» участкасидаги Сабзавот, Ленин, Ворошилов аҳоли пунктлари.

273. Ўзбекистон сайлов округи
Маркази — Ушинский номли 24-мактаб.
Чегараси: «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» участкасидаги Куйбишев ва Юнусобод аҳоли пунктлари.

274. Жамбул сайлов округи
Маркази — Куйбишев номли 44-мактаб.
Чегараси: Ленин номли колхозининг «Партия XVIII съезди» участкаси территорияси, цементбетон заводи қурувчиларининг посёлкаси, «Жамбул» қишлоқ участка касалхонаси ва Ленин номли шифохона.

275. Тузель сайлов округи
Маркази — паррандачилик техникумининг биноси.
Чегараси: Тошкент паррандачилик фабрикасининг посёлкаси, МСУ, 1-махсус интернат, «Узгосплемпредприятие», «Вильямс» аҳоли пункти, паррандачилик техникуми, Ленин номли колхозининг «Партия XXII съезди» участкаси, асаларичилик совхози территориялари.

276. Геофизик сайлов округи
Маркази — Геофизика дала-қидирув идораси.
Чегараси: Лаборатория марказий питомники, геофизиклар ва гидрогеологлар посёлкаси, 21-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти, бўрдоқчилик пункти, 8-автопарк, шаҳарлараро юк ташиш автопарки, Тошкент мева-питомник совхози, «Свобода» посёлкаси ва Ленин номли колхозининг 9-бригадаси ҳамда хўжалик ҳисобидаги база территориялари.

277. ГЭС сайлов округи
Маркази — 7-почта бўлимининг идораси.
Чегараси: Оржоникидзе ГЭСининг каскади, Юбилейний, «Юқориёз» посёлкалари ва 7-почта бўлимининг территорияси.

278. Дўрмон сайлов округи
Маркази — «Дўрмон» қишлоқ матлубот жамияти правлениесининг идораси.
Чегараси: Дўрмон қишлоғи, «Қибрайводопровод» иншоотлари, «Дўрмон» совхози территорияси, 2-РПС, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «Қадрлик» участкаси.

279. Арген сайлов округи
Маркази — А. Матқобулов номли 9-мактаб.
Чегараси: Қодирия станциясининг территорияси, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Крупская, Оржоникидзе ва «Арген» участкалари, ижодий уйи территорияси.

280. Қизилту сайлов округи
Маркази — «Қизил Ўзбекистон» колхозининг 2-«Қизилту» участкаси клуби.
Чегараси: «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «1, 2-Қизилту» участкалари ва 15-бригада территорияси, «Қипчоқ» ҳамда «Тўқаш» аҳоли пунктлари.

281. Қибрай сайлов округи
Маркази — В. И. Ленин номли 1-мактаб.
Чегараси: Тошкент—Чирчиқ магистрал йўлининг «Қизил Ўзбекистон» колхози бошидан бошлаб Байтқўрғон қишлоқ Советигача Ленин кўчаси билан биргаликда (ўнг томони) Киров, Қурилиш, Беруний, Учительская кўчалари, спорт маркази, «Қибрай» богдорчилик совхозининг 3-бўлими ва 3-участкаси территорияси.

282. Совхоз сайлов округи
Маркази — «Қибрай» богдорчилик совхозининг идораси.
Чегараси: Тошкент—Чирчиқ магистрал йўлининг чап томони, Фурқат, Муқимий, Дўстлик, Меҳнат, Узумзор кўчалари билан биргаликда, шунингдек, МТС, Қибрай дам олиш уйи, «Қибрай» богдорчилик совхозининг марказий усадьбаси, Калинин, Морозов, Ореховая, Гайдар, Садовая, кўчалари билан биргаликда, 3-ПМК турар-жойлари, 2-автоколонна, «Узминсельстрой» 3-автобазаси, қурилиш материаллари комбинатининг ётоқхонаси.

283. Чинобод сайлов округи
Маркази — Абай номли 28-мактаб.
Чегараси: «Октябрь» колхозининг К. Маркс, «Ўткур», «Энбекчи», «Жарбоши» участкаларининг территорияси ва Чинобод қишлоғи.

284. Большевик сайлов округи
Маркази — «Тошкентвино», «Қибрай» филиалининг идораси.
Чегараси: «Қибрай» совхозининг 1, 2-бўлими ва «Тошкентвино» «Қибрай» филиалининг территорияси.

285. Май сайлов округи
Маркази — Май қишлоқ Совети ижроия комитетининг биноси.
Чегараси: «Красний водопад» чорвачилик институти тажриба базаси, «Октябрь колхозининг «Май» участкаси ва Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасининг турар-жой массивлари.

286. Химик сайлов округи
Маркази — «Химик» совхозининг идораси.
Чегараси: «Химик» совхозининг территорияси ва Крупская, Гагарин аҳоли пунктлари.

287. Улуғбек сайлов округи
Маркази — Ломоносов номли 2-мактаб.
Чегараси: Улуғбек посёлкасининг территорияси.

288. Байтқўрғон сайлов округи
Маркази — «Правда» колхози правлениесининг идораси.
Чегараси: «Правда» колхозининг Чапаев, «Уймаут», участкалари ва Байтқўрғон қишлоғи.

289. Октябрь сайлов округи.
Маркази— С. Айний номли 21-мактаб.
Чегараси: «Правда» колхозининг Ленин, «Ниёзбек», Байтқўрғон қишлоғининг «Октябрь» участкалари территорияси ва Ҳосилот, Набережная кўчалари.

290. Мичурин сайлов округи
Маркази — «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйи идораси.
Чегараси: «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйининг территорияси, ЎзССР курортлар бошқармаси ёрдамчи хўжалиги, Ҳамза, Мичурин, Фарҳод, Улуғбек, Зохин кўчалари, «Қибрай» совхозининг «Гогайгул» ва «Созбўка», «Оқ олтин» аҳоли пунктлари.

291. Оқ олтин сайлов округи.
Маркази — СоюзНИХИ тажриба базасининг идораси.
Чегараси: СоюзНИХИ экспериментал базасининг Сергели, **Аганай**, Дархон аҳоли пунктлари, Оққовоқ темирйўл станцияси, «Химик» совхозининг «Ҳосилот» бўлими, «Правда» колхозининг 1-бригадаси территорияси, 2-Оққовоқ ГЭСи территорияси, 8-ПМК турар-жойлари, «Ботаника» санаторийси ва ВИР станцияси.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

292. Комсомол сайлов округи
Маркази — касалхона медицина ходимларининг клуби.
Чегараси: ўрмон хўжалиги территориясидан балиқ хўжалигининг 3-богдорчилик совхози, Соқол ариги бўйлаб Ленин кўчасининг чап томони ва Комсомол кўчасининг Керовчи йўлигача бўлган чап томони.

293. Совет сайлов округи.
Маркази — 82-автобаза клуби.
Чегараси: Керовчи йўли, Комсомол кўчасининг Ленин кўчаси билан кесишган қисмигача ўнг томони ва Ленин кўчасининг Бўржаргача бўлган чап томони.

294. Фурқат сайлов округи
Маркази — Фурқат номли 3-мактаб.
Чегараси: Ленин кўчасининг Мусобақа кўчасидан бошлаб ўнг томони, Тошкент каналининг янги кўприккача бўлган қисми, бу йўлнинг Бўржаргача бўлган чап томони.

295. Дзержинский сайлов округи
Маркази — Ойбек номли 5-мактаб.
Чегараси: Комсомол кўчасидаги чорраҳадан Ленин кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент каналининг кўпригача ва Мусобақа кўчасининг ўнг томони.

296. 1-май сайлов округи.
Маркази— нон заводининг клуби.
Чегараси: Тошкент канали кўпригидан бошлаб Комсомол кўчасининг Ленин кўчаси билан кесишган қисмигача ўнг томони, Ленин кўчасининг Ангрен дарёси қуйи оқимигача бўлган қисми.

297. Правда сайлов округи
Маркази — Правда номли 8-мактаб.
Чегараси: 1-«Пискент» совхозининг территорияси ва 15-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти территорияси.

298. Фрунзе сайлов округи
Маркази — 2-«Пискент» совхозининг идораси.
Чегараси- 2-«Пискент» совхози ва ўрмон хўжалигининг территорияси.

299. Охунбобоев сайлов округи
Маркази — Охунбобоев номли колхоз правлениесининг идораси.
Чегараси: Охунбобоев номли колхоз территорияси.

300. Свердлов сайлов округи
Маркази — Свердлов номли колхоз правлениесининг идораси.
Чегараси: Свердлов номли колхоз территорияси.

301. Ленин сайлов округи
Маркази — Ленин номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Ленин номли колхоз территорияси.

302. Гулистон сайлов округи.
Маркази — «Гулистон» колхози правлениесининг идораси.
Чегараси: «Гулистон» колхозининг территорияси.

303. Тельман сайлов округи
Маркази — Тельман номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Тельман номли колхоз территорияси.

304. Калинин сайлов округи
Маркази— Калинин номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: «ЎзССР 50 йиллиги» колхозининг ва Калинин номли колхозининг территорияси.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

305. Бектемир сайлов округи
Маркази — «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг клуби.
Чегараси: Ўзбекистон, Строительная кўчалари, Бектемир йўлининг Тошкентдан бораверишдаги чап томони, Экскаваторная, Новая жизнь, Высоковольтная, Пионерская, Школьная, Макаренко кўчалари, Учительский проезди, Лихачев кўчаси, Бектемир шаҳар Советининг «Водник» микрорайони.

306. Биринчи Май сайлов округи.
Маркази — 56-автобаза клуби.
Чегараси: 1 Май, Железняк, Набережная, Охунбобоев кўчалари, Бектемир йўлининг Тошкентдан бораверишдаги ўнг томони.

307. Пролетар сайлов округи
Маркази — Ушинский номли 52-мактаб
Чегараси: Бозор тупиги, «Герой» тупиги, М. Горький, А. Навоий, Садовая, С. Раҳимов, Огородная, Пролетарская, Коммуна, Паркентский тракт, Зеленая, кўчалари, Бектемир йўли, Охунбобоев қишлоқ Советининг Қуйбишев ва Қорақалпоқ аҳоли пунктлари.

308. Охунбобоев сайлов округи
Маркази — У. Юсупов номли 38-мактаб.
Чегараси: Охунбобоев қишлоқ Советининг Меҳнат, Учқун, Хўжаобул, Жалойир, Қизил Ўзбек, К. Маркс, Қўқоновул ва Бирлашган аҳоли пунктлари.

309. Оржоникидзе сайлов округи
Маркази — Тельман номли 54-мактаб
Чегараси: Охунбобоев қишлоқ Советининг Опитний аҳоли пункти, шоликорлик бўйича илмий-текшириш институтининг территорияси, 11-автобаза, 16-ПМК, 2-ПМК территориялари.

310. Калинин сайлов округи
Маркази — Калинин номли совхоз идораси.
Чегараси: Калинин номли совхоз территорияси, Сергели чўчқачилик совхозининг 134-разъезди.

311. «Полярная звезда» сайлов округи
Маркази — Ким Пен Хва номли колхоз правлениесининг идораси.
Чегараси: Оржоникидзе қишлоқ Совети территориясидаги Ким Пен Хва номли колхоз марказий усадьбаси ва 1, 2, 3, 4-участкалари.

312. Ўзар сайлов округи
Маркази — Маяковский номли 8-сакиз йиллик мактаб
Чегараси: Янги қишлоқ аҳоли пункти, Оржоникидзе қишлоқ Советининг Ким Пен Хва номли колхоз 5, 6-участкалари, Ангар қишлоқ Совети территориясидаги А. Икромов номли колхозининг Ўзар участкаси.

313. «Северний маяк» сайлов округи
Маркази — «Северний маяк» колхозининг правлениеси идораси.
Чегараси: Ленин қишлоқ Совети территориясидаги «Северний маяк» колхози.

314. Свердлов сайлов округи.
Маркази — Свердлов номли колхоз правлениесининг идораси.
Чегараси: Свердлов номли колхоз территорияси, Ўрта Сарой паррандачилик фабрикасининг 2-бўлими ва У. Юсупов номли совхоз.

315. Ленин сайлов округи
Маркази — Ленин номли колхоз правленнесининг идораси,
Чегараси: Ленин номли колхоз территорияси, Ўрта Сарой паррандачилик фабрикаси, Ленин қишлоқ Советининг марказий участкаси.

316. Қорасув сайлов округи.
Маркази — К. Маркс номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: К. Маркс номли колхоз, Қорасув қишлоғи ва Қорасув пахта заводининг территорияси.

317. Роватоғ сайлов округи
Маркази — В. Терешкова номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Қорасув қишлоқ Советига қарашли В. Терешкова номли колхоз территорияси.

318. Совет сайлов округи
Маркази — Энгельс номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Энгельс қишлоқ Советига қарашли Энгельс номли колхоз территорияси.

319. «Партия XXII съезди» сайлов округи
Маркази — «Партия XXII съезди» колхозининг идораси.
Чегараси: Энгельс қишлоқ Советига қарашли «Партия XXII съезди» колхозининг территорияси.

320. Учхоз сайлов округи
Маркази — Киров номли ўқув хўжалиги 1-бўлимининг идораси.
Чегараси: Киров номли ўқув хўжалиги 1, 2-бўлимлари ва ТИИИМСХ ўқув хўжалиги Охунбобоев участкасининг территориялари.

321. Киров сайлов округи
Маркази — Киров ўқув хўжалигининг 3-бўлими идораси.
Чегараси: Киров қишлоқ Совети территориясидаги Киров ўқув хўжалиги 3-бўлими.

322. Фрунзе сайлов округи.
Маркази — Киров ўқув хўжалигининг клуби.
Чегараси: Киров ўқув хўжалигининг марказий усадьбаси ва ТИИИМСХ ўқув-хўжалигининг территорияси.

323. Тўябўғиз сайлов округи.
Маркази — «Винокор» клуби.
Чегараси: Тўябўғиз посёлкасининг территорияси ва 135-разъезд.

324. Чиғириқ сайлов округи.
Маркази — Янги ҳаёт посёлка Советининг идораси.
Чегараси: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19-уйлар, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» металл конструкциялари заводининг микрорайони ва Янги ҳаёт посёлкасининг территорияси.

325. Горняк сайлов округи.
Маркази — «Горняк» совхозининг идораси.
Чегараси: Тўйтепа шаҳар Советидаги Майрамкўл, Вишневая, Степная, 1-Май, Совхозная, Дружба кўчалари, Ленин кўчасининг қорақудуқ каналининг кўпригигача.

342. Темир йўл сайлов округи
Маркази — Октябрь районлараро савдо базасининг клуби.
Чегараси: Самарқанд кўчасининг жануб томони, Матросов, Пушкин кўчалари, темир йўл турар жой биноси, Янгийўл мебель фабрикасининг филиали, Привокзальная, 1—2 Садовая, Гоголь, Киров, Куйбишев, М. Горький, 1-Май, Победа, Суворов кўчалари ва «Олмазор» богдорчилик-виночилик совхозининг 2-бўлими.

343. Техникум сайлов округи
Маркази — Чиноз наслчилик совхоз-техникумининг ўқув корпуси.
Чегараси: Ленин кўчаси Қорақудуқ каналининг кўпригидан Навоий кўчаси бўйлаб «Чайка» пионер лагери бурилишигача, Совет, Набережная, Учительская, Гагарин, Титов, Эркин кўчалари, Қорақудуқ кўпригидан наслчилик совхоз техникумининг марказигача.

344. Наслчилик совхози сайлов округи
Маркази — Чиноз наслчилик совхоз-техникумининг марказий клуби.
Чегараси: Ленин кўчаси «Чайка» пионер лагери бурилишидан Охунбобоев кўчаси бўйлаб Чинов наслчилик совхоз техникумининг Олмазор посёлкаси ва 1, 2, 3, 4-фермаларигача.

345. Собир Раҳимов сайлов округи
Маркази — С. Раҳимов номли колхоз правлениесининг идораси.
Чегараси: С. Раҳимов ва Энгельс номли колхозлар территорияси.

346. Тельман сайлов округи
Маркази — Тельман пахта тайёрлаш пунктининг идораси.
Чегараси: партия XXIV съезди номли сутчилик совхозининг территорияси, «Олмазор» богдорчилик-виночилик совхозининг 3-бўлими, Тельман пахта тайёрлаш пункти, «Гайрат» ва Свердлов участкалари.

347. Октябрь сайлов округи
Маркази — «Октябрь 40 йиллиги» колхози правлениесининг идораси.
Чегараси: «Октябрь 40 йиллиги» ва Навоий номли колхозлар, А. Ортиқов номли 4-мактаб-интернат территорияси.

348. Эски Тошкент сайлов округи
Маркази — Эски Тошкент қишлоқ Совети ижрокомининг биноси.
Чегараси: «Олмазор» боғ-виночилик совхозининг 2 ва 3-участкалари, «Москва» колхози, Эски Тошкент қишлоқ Советидаги суғориш системаларининг Жалоба участкаси, Ленинград кўчасининг ўнг томони ва Завод кўчаси.

349. Киров сайлов округи
Маркази — Киров номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Киров номли колхозининг «Октябрь 20 йиллиги», К. Маркс участкалари, Ленинград кўчаси, Эски Тошкент қишлоқ Советидаги «Пахта» пунктининг ётоқхонаси, Завод кўчасининг чап томони.

350. Аччиқўл сайлов округи
Маркази — Жамбул номли совхоз идораси.
Чегараси: Жамбул қишлоғининг территорияси.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

351. Оржоникидзе сайлов округи
Маркази — кўчма махсус механизациялаштирилган колонна биноси.
Чегараси: Оржоникидзе маҳалласидан Катта Ўзбек тракти бўйлаб Ленин кўчасининг ҳар икки томони Холхўжаев кўчасигача, Бешқўрғон маҳалласидан Мичурин номли 15-мактабгача.

352. Свердлов сайлов округи
Маркази — Свердлов номли совхоз идораси.
Чегараси: Холхўжаев кўчаси, Катта Ўзбек тракти бўйлаб Ўртаовул кўчасигача, кўрлар жамияти Свердлов саноат комбинати.

353. Солнечний сайлов округи
Маркази — Солнечний посёлкасининг клуби.
Чегараси: Ҳаҳрамон, Қозоқовул, У. Юсупов, Қурилиш участкалари, Свердлов номли сабзавотчилик-сутчилик совхози, 10-уй бошқармаси, 4-қурилиш-монтаж бошқармасидан Мичурин номли 15-мактабгача.

354. Ўртаовул сайлов округи
Маркази — «Ўзсельхозтехника» область савдо базасининг идораси.
Чегараси: Ўртаовул, Ешлик, Олмазор маҳаллалари ва Госниити Янгийўл ремонт заводининг аҳоли пунктлари.

355. Қорақудуқ сайлов округи
Маркази — Ўртаовул гўшт комбинати.
Чегараси: Каримов номли, Абжалбой маҳаллалари ва Ўртаовул посёлкасидаги гўшт комбинатининг турар-жой зонаси.

356. Куйбишев сайлов округи
Маркази — «Коммунизм» колхози правленнесининг идораси.
Чегараси: «Коммунизм» колхози ва Ўртаовул бўрдоқчилик базасининг территорияси.

357. Фрунзе сайлов округи
Маркази — Фрунзе номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Калинин қишлоқ Советидаги Фрунзе номли колхоз территорияси ўрмон питомнигидан Жўн канали соҳиллари бўйлаб Янгийўл шаҳрининг чегарасигача.

358. Жданов сайлов округи
Маркази — Жданов номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Жданов номли колхоз территорияси.

359. Нов сайлов округи
Маркази — «Ленинизм» колхози правленнесининг идораси.
Чегараси: «Ленинизм» колхози, ўрмон хўжалиги, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг дам олиш уйи, темирйўлчилар уйи, А. Ортиқов номли қишлоқ Советидаги «Янгийўл» совхозининг 1-участкаси ва Фрунзе кўчасининг ўнг томони.

360. Ленин сайлов округи
Маркази — Ленин номли 14-мактаб.
Чегараси: Ленин номли колхозининг Ленин участкаси территорияси.

361. Қизил Октябрь сайлов округи.
Маркази — Пушкин номли 23-мактаб.
Чегараси: Ленин номли колхозининг 1, 2, 10-бригадалари, Ниёзбоши қишлоғининг О. Кўчқоров ва «Оқ олтин» кўчалари.

362. Ниёзбоши сайлов округи
Маркази — Низомий номли 16-мактаб.
Чегараси: Ленин номли колхозининг Пахта, Янгиобод участкалари территорияси.

363. Ниёзов сайлов округи
Маркази — Ниёзов номли колхоз правленнесининг идораси.
Чегараси: Ниёзов номли колхоз территорияси.

364. Халқобод сайлов округи
Маркази — У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг 1-бўлими идораси.
Чегараси: У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг 1-бўлими ва мактабгача тарбия билим юртининг территорияси.

365. Петров сайлов округи
Маркази — У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг 4-бўлими идораси.
Чегараси: У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг 4-бўлими ва «Янгийўл» совхозининг 2-бўлими территорияси.

366. Навоий сайлов округи
Маркази — У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг 6-бўлими идораси.
Чегараси: У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг 2, 3, 6-бўлимлари ва Бройлер паррандачилик фабрикасининг территорияси.

367. Чақчақ сайлов округи
Марказий — Партия XXI съезди номли колхозининг Жданов участкаси идораси.
Чегараси: Партия XXI съезди номли колхоз, Х. Турсунқулов номли колхозининг Охунбобоев ва Янгийўл участкалари территорияси.

368. Шўралисой сайлов округи
Маркази — Шўралисой қишлоқ Совети ижрокомининг биноси.
Чегараси: Х. Турсунқулов номли колхозининг Марказий, Шўралисой, Победа, Октябрь участкалари территорияси.

369. Тимирязев сайлов округи
Маркази — 7-Октябрь ремонт-механика заводининг идораси.
Чегараси: Х. Турсунқулов номли колхозининг Энгельс участкаси, 4-ГЭС, 7-Октябрь ремонт-механика заводи, У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг 5-бўлими территорияси.

370. Калинин сайлов округи
Маркази — Ўрозов номли 97-мактаб.
Чегараси: Калинин номли колхознинг 1, 2-участкалари, Янгийўл биохимия заводидан Экскаватор кўчасидаги 20-уйгача, «Янгийўл» совхозининг 3, 4-бўлимлари.

371. Эски қовунчи сайлов округи
Маркази — Ҳамза номли 44-мактаб.
Чегараси: Янгийўл район тайёрлаш конторасидан Овошная, Фурқат кўчалари, Эски қовунчи қишлоғи ва Самарқанд кўчасининг ўнг томони бўйлаб, таксомотор паркидан Эски қовунчи қишлоқ Советидаги Крупская номли 45-мактабгача ва Самарқанд кўчасининг чап томони бўйлаб.

372. Жамбул сайлов округи
Маркази — Жамбул номли 46-мактаб
Чегараси: Маяковский номли 31-мактабдан Коминтерн, Пистазлик участкаларигача, Калинин номли колхозининг Қир бригадаси (чап томони) Қорақудуқ ва Жўн каналларининг кўпригидан Учительский посёлкасигача, Эски қовунчи қишлоқ Советининг Қизил Шарқ, Янги ҳаёт аҳоли пунктлари ва асфальт-бетон заводининг территорияси.

373. Интернациональ сайлов округи
Маркази — «Интернациональ» колхози правлениесининг идораси.
Чегараси: Чирчиқ дарёсининг кўпригидан чап томон бўйлаб Қолган Чирчиқ дарёси кўпригигача, «Интернациональ» колхозининг Фрунзе участкаси, Новомихайлов ДРСУси, СПМК-КСМ.

374. Новомихайлов сайлов округи
Маркази — Лермонтов номли 49-мактаб.
Чегараси: «Интернациональ» колхозининг Свердлов, Текстильщик, Сахарний, Экпинди участкалари, Садовая ва Колхоз кўчалари, Новомихайлово қишлоғи.

375. Иямий-шаҳар сайлов округи
Маркази — САИМЭ биноси.
Чегараси: «Қирда» посёлкасининг территорияси.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
П. ЮСУПОВ,

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ РИНГ БАҲОДИРЛАРИНИ ҚУТЛАЙДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ БОКСЧИЛАРИ ИККИНЧИ ЎРИНДА

СЎНГГИ РАУНД

РЕПОРТАЖ

«Юбилей» спорт саройи финал баҳсларини томоша қилганни келган ишқибозларни ўз бағрига сиғдира олмади. Мусобақа маркази томон оқиб келаётган кишиларнинг ниҳояси кўринмасди.

Улкан кошонани ларзага солиб, карнай-сурнай садолари янгради. Қўш унвон учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритган энг кучли 22 «чарм қўлқоп» устаси сўнгги марта Тошкент рингги томон чиқиб келадилар.

Финалчиларни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. У. Сайдаматов қизғин қутлади ва уларга Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқларини топширди. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва боксчиларни СССР халқлари спартакиадасига тайёрлашда актив қатнашган бир группа тренерлар ҳам фахрий ёрлиқларга сазовор бўлдилар.

Бонг рингга дастлабки жуфтликни чорлайди.

А. Ткаченко (Украина) — В. Плакуший (Қозоғистон). Учрашув бошларида иккала боксчи ҳам қатъий ҳужумга ўтмай ўзаро разведка олиб бордилар. Бу тушунарли, албатта. Ахир улар олтин медаль учун курашмоқдалар!

Биринчи раунднинг ўрталарига келиб қозоғистонлик боксчи актив ҳаракатга ўтди. Кетма-кет берилган аниқ зарбалар ҳисобига у рақибидан устунлик қила бошлади. А. Ткаченко асосан ҳимояда «жанг» қилсада, қарши зарбалари мўлжалга аниқ тегарди. У энг яхши ҳужум ҳимоя эканлигини яна бир бор кўрсатди ва дастлабки олтин медални қўлга киритди.

В. Засипко — С. Дурян. 51 килограммгача бўлган вазнда яна украналиқ боксчи — В. Засипко муваффақият қозонди. У халқаро классдаги СССР спорт мастери Сурен Дурян билан оғир ва кескин курашда ғалабага эришди.

В. Рибаков (РСФСР) — Феликс Пак. Ёш боксчи Ф. Пак Тошкент турнирида кўпчилик ишқибоз ва мутахассислар меҳрини қозонди. Республикамиз боксчиси биринчи раундан разведка билан бошлаб, ҳужум билан якунлади. Озгина бўлса-да, устунлиги сезилиб турди.

Танаффус. Ахборотчи судья В. Рибаковни таништирмоқда: халқаро классдаги СССР спорт мастери, 18 ёшда. Бокс билан тўрт йилдан бери шуғулланади. 86 «жанг» ўтказиб, шундан 84 тасида ғалаба қилган. В. Рибаков ёшлар ўртасида СССР ва Европа чемпионидир.

Иккинчи раунд — Феликс ҳужумда. Лекин унда аввалги «жанг»лардаги каби ғайрат — шижоат йўқ. Ярим финалда арманистонлик Д. Торосян билан бўлган учрашув уни жуда чарчатганлиги билиниб турибди. Шундай бўлса ҳам андижонлик йигит бор кучи ва иродасини ишга солди. Лекин В. Рибаков унинг чарчаб қолганлигидан фойдаланиб ҳужумга ўтди...

54 килограммгача бўлган вазнда олтин медални РСФСР вакили В. Рибаков қўлга киритди. Ф. Пакка кумуш медаль топширилди.

А. Аветисян (Арманистон) — В. Соколов. Олимпия ўйинлари чемпиони, москвалик боксчи учрашувни яхши бошлади. Масофани ҳис қила билиши, рақибини ёнига йўлатмаслиги Арманистон боксчисига ноқулайлик туғдирди. Лекин кейинги раундларда А. Аветисян кескин ва аниқ ҳаракат қилиб, ғалабага эришди.

В. Львов (РСФСР) — А. Шевченко (Қозоғистон). Бу учрашувда Львовнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Унинг ўз рақибидан кўра анча маҳоратли эканлигини Қозоғистон боксчисининг кейинги икки раундда бироз эсанкираб қолганлигидан ҳам билса бўлади. Шундай қилиб, РСФСР вакили ўз командасига иккинчи олтин медални олиб берди.

Ю.Тхоровский (Украина) — С. Казарян. Кўпчилик аввалги спартакиаданинг ғолиби С. Казарян бу гал ҳам ғалаба қилади деб ўйлаган эди. Лекин устунлик халқаро классдаги спорт мастери В. Даньшин мағлубият нималигини билмайди деса бўлади. Ўн уч ёшида биринчи бор рингга чиққан бу боксчи ҳозиргача мамлакат биринчиликларида жами 150 та учрашув ўтказиб 146 тасида ғалабага эришган. Халқаро мусобақаларда совет спорти шарафини 13 марта ҳимоя қилиб ҳаммасида устун келган.

Бу гал унинг рақиби грузиялик Иван Городилов эди. Учинчи раундга бориб ҳар иккала боксчининг чарчаб қолганлиги яққол сезилиб турарди. Ҳал қилувчи дақиқаларда ўзини кўрсата олган, кетма-кет очко тўплай олган боксчи шундай паллада улоқни олиб кетади. РСФСР вакилининг уч-тўрт аниқ зарбаси унинг ғалабасини таъминлади. Учинчи совринли ўринни қозоғистонлик Т. Турсунхонов ва тожикистонлик И. Зиборовлар олишди.

Руфат Рисқиев (Ўзбекистон) ранналик ёш боксчи донгдор рақибдан ҳеч чўчимай «жанг» қилди. Бунинг устига С. Казарян, у қадар яхши спорт формасида эмас эди. 63,5 килограммгача бўлган вазнда биринчи ўринни украналик боксчи эгаллади.

Вячеслав Бодня (Туркманистон) — Михаил Терентьев. Иккинчи ўрта вазнда Туркманистон вакили фахрий шохсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Рақиблар олишувни кескин ҳужум билан бошлашди. Биринчи раунд тенг кураш остида ўтди. Иккинчи раунд бошланиши билан В. Бодня устунлиги яққол сезилди. Унинг ҳимояси пухта, қарши ҳужумлари кучли ва хавфли эди. Раунд ўрталарида Ленинград чемпиони М. Терентьев ноқаудингга учради. Бу туркманистонлик боксчини янада руҳлантириб юборди. Қолган бутун «жанг» давомида тўла устунлик қилди ва ғалабага эришди. Шу вазнда бронза медалига ўзбекистонлик В. Юдин, қирғизистонлик А. Круч сазовор бўлдилар.

Владимир Даньшин (РСФСР) — Иван Городилов. Қуйбишевлик халқаро классдаги спорт мастери В. Даньшин мағлубият нималигини билмайди деса бўлади. Ўн уч ёшида биринчи бор рингга чиққан бу боксчи ҳозиргача мамлакат биринчиликларида жами 150 та учрашув ўтказиб 146 тасида ғалабага эришган. Халқаро мусобақаларда совет спорти шарафини 13 марта ҳимоя қилиб ҳаммасида устун келган.

Бу гал унинг рақиби грузиялик Иван Городилов эди. Учинчи раундга бориб ҳар иккала боксчининг чарчаб қолганлиги яққол сезилиб турарди. Ҳал қилувчи дақиқаларда ўзини кўрсата олган, кетма-кет очко тўплай олган боксчи шундай паллада улоқни олиб кетади. РСФСР вакилининг уч-тўрт аниқ зарбаси унинг ғалабасини таъминлади. Учинчи совринли ўринни қозоғистонлик Т. Турсунхонов ва тожикистонлик И. Зиборовлар олишди.

Руфат Рисқиев (Ўзбекистон) — Вячеслав Лемешев. Иттифоқимиздагина эмас, бутун жаҳонда яхши таниш бўлган бу икки боксчининг олишуви ниҳоятда кескин ва қизиқарли ўтди. Жаҳон чемпиони Р. Рисқиев ярим финалда украинаклик А. Климанов устидан қийин ғалабани қўлга киритган эди. Финалда эса катта тажрибали, олимпиада чемпиони В. Лемешевдек боксчи билан юзма-юз келди.

Руфат Рисқиев СССРнинг 1972 ва 1974 йиллардаги чемпиони, СССР халқлари V спартакиадасининг голиби, ҳаваскор боксчилар дастлабки жаҳон чемпионининг олтин совриндори, хизмат кўрсатган спорт мастери бу сафар мисли-сиз жасорат кўрсатиб, ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди ва боксимиз тарихига яна бир ёркин саҳифа ёзди. Бу вазнда бронза медалига украналик А. Климанов ва ленинградлик В. Фесюк сазовор бўлдилар.

Олег Коротаев (Москва) — Николай Анфимов. Олишув разведкасиз бошланди. Рақиблар бир-бирларини жуда яхши билишар, рингда бир неча бор учрашишганди. Тенг кураш остида ўтган бу «жанг»да судьялар жаҳон биринчилигининг кумуш совриндори О. Коротаевни кучли деб топдилар. Белоруссиялик Ю. Бистров билан В. Соколовлар бронза совриндори бўлишди.

Евгений Горстков (РСФСР) — Петр Заев. Мамлакатнинг мутлоқ чемпиони Е. Горстков Иттифоқда тенги йўқ боксчи эканлигини яна бир бор исботлади. Мутлоқ чемпионга П. Заев муносиб қаршилик кўрсатди. Лекин тажриба ва маҳорат устун келди. Е. Горстков СССРнинг мутлоқ чемпиони унвони ёнига спартакиада олтин медалини қўшишга муваффақ бўлди.

Бокс турнири тугади. Спартакиада эса давом этмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
Б. ПУЛАТОВ,
А. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

Суратларда: (юқоридан пастга) А. Ткаченко, В. Засипко, В. Рибаков, А. Аветисян, В. Львов, Ю. Тхаровский.

Суратларда: (юқоридан пастга) В. Бодня, В. Даньшин, Р. Рисқиев, О. Коротаев ва Е. Горстков. В. Мулачев ва В. Иванов фотолари.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

САНЪАТИНГИЗГА БАЛЛИ

В. Дадаев,

Халқаро тоифадаги судья, Европа ҳаваскор боксчилари асоциацияси судьялар комиссиясининг аъзоси, бош судья ўринбосари.

Одатда томошабинларнинг дик қати рингдаги иккала боксчида бўлади. Қизғин олишувларни олқиш билан кузатишади. Лекин учрашувларнинг янада қизиқарли бўлишида судьянинг хизмати катта-дир.

Спартакиада финал ўйинларининг масъулиятини яхши ҳис қилиб улкан анжуманга катта тайёргарлик кўрилди. Судьялар ҳайъатига ўтмишда яхши боксчи бўлган ҳозирда одил судьялиги билан танилган 27 мутахассис жалб этилди. Мусобақа давомида улар бутун тажриба ва билимларини ишга солиб, холисона хизмат қилдилар.

Ўзбекистон спортчилари спартакиадага яхши тайёргарлик кўрган, ликлари, маҳоратларининг ошиб бораётганлиги туфайли рингда яхши бокс санъатини намойиш этдилар.

ЕРҚИН ИУЛ

Борис КУЗНЕЦОВ,

Хизмат кўрсатган спорт мастери, XX олимпия ўйинлари чемпиони, ҳаваскор боксчилар жаҳон биринчилигининг кумуш совриндори, СССРнинг кўп марта чемпиони.

Мен жуда кўп халқаро ринг давраларида иштирок этишга муяссар бўлдим. VI спартакиада рингидаги курашлар ҳам халқаро учрашувлардан қолишмади, деса бўлади. Бу эса мамлакатимизда боксининг нақадар ривожланаётганидан далолат бериб турибди. Тошкентда ҳам бу спорт турн тобора оммавийлашаётганини, кўплаб маҳоратли спортчилар етишиб чиқаётганлигини кўриб қувондим.

Менда ўзбек боксчилари Р. Рисқиев, А. Қодирохунов, Ф. Пакларнинг чиқишлари катта таассурот қолдирди.

КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ

Эрике Гормури ЛОПЕС,

Куба боксчилар терма командаси тренери.

Тошкентда мамлакатнинг энг кучли боксчилари ўртасида ўтказилган бу мусобақаларни томоша қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Совет ва Куба боксчилари жаҳон биринчилигида тенг ва кучли рақиблардир. Буни ўтган йил бизнинг мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган жаҳон чемпионати ҳам исботлади.

Кубаликларга ёқиб қолган «ўзбек қоплони» Руфат Рисқиевнинг рингда ўзини тутабилиши, жасорати мени қойил қолдирмоқда. Тошкент турнирида менга Ф. Пак, В. Засипко, С. Дурян, О. Коротаев, В. Соколовлар санъати ҳам ёқди. Мен уларнинг тажрибаларини ўз боксчиларимизга ўргатаман.

КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА

Командалар	Очколар	Ўринлар
РСФСР	163	1
Ўзбекистон	156	2
Украина	150	3
Москва	140	4
Қозоғистон	126	5
Арманистон	108	6
Ленинград	90	7
Грузия	87	8
Белоруссия	80	9
Қирғизистон	70	10
Туркманистон	54	11
Тожикистон	54	12
Молдавия	52	13
Литва	48	14
Латвия	34	15
Озарбайжон	30	16
Эстония	28	17

СПАРТАКИАДА АРИФМЕТИКАСИ

1956 ИИЛ. СССР халқлари биринчи спартакиадасида спортининг 21 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда 9224 спортчи иштирок этди. Ўзбекистон вакиллари умумкоманда ҳисобида 11-ўринни эгалладилар. Боксчиларимиз эса 15-ўринда қолишди. Фақат бир киши — Резанцевгина совринли ўринни олишга муваффақ бўлди. Командамиз сафида бирорта ҳам спорт мастери йўқ эди.

1959 ИИЛ. Спартакиаданинг ҳал қилувчи босқичида 8452 спортчи қатнашди. Серқуёш республикамиз вакиллари умумий 13-ўринни, «чарм қўлқоп» ўсталари эса 8-ўринни эгалладилар. М. Вайнштейн кумуш медаль соҳиби бўлди.

1963 Йил. Бутуниттифоқ III спартакиадаси финал ўйинларида 10350 йигит-қиз куч синашди. Ўзбекистон командаси 11-ўринга, боксчиларимиз эса бешинчи ўринга кўтарилишди. Е. Шерстнев финалга чиқди. Уч спортчимиз — Т. Ғуломов, И. Будман ва А. Барановлар бронза медалини олдилар.

1967 Йил. Спортнинг 39 тури бўйича ўтказилган финал мусобақаларида 16354 спортчи қатнашди. Бу сафар республикамиз вакиллари кучли ўнликдан жой олишга муваффақ бўлдилар. Боксчиларимиз бешинчи ўринни эгаллашди. Б. Ниёзов шохсупанинг иккинчи, Н. Хромов эса учинчи поғонасига кўтарилди.

1971 ИИЛ. Бешинчи спартакиада ҳал қилувчи босқичига 7382 спортчи чиқди. Ўзбекистон вакиллари яна ўн биринчи ўринни эгаллашди. Гарчанд боксчиларимиз олтинчи ўринда қолишган бўлса-да, катта давра икки ажойиб «чарм қўлқоп» эгаси — Р. Рисқиев ва Н. Анфимовлар ўзбек бокси тарихида илк бор олтин медални қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Б. Ниёзов ва Н. Хромовлар эса бронза медалига сазовор бўлишди.

1975 ИИЛ. Бу галги спартакиада одатдагидек Москвада эмас, иттифоқдош республикалар шаҳарларида ўтказилмоқда. Улкан анжуманнинг биринчи босқичи Тошкентда бокс мусобақалари билан бошланди. 181 «чарм қўлқоп» устаси иштирок этган кескин учрашувларни ўн бир кун давомида 40 мингдан ортиқ киши томоша қилди. Ўзбекистон терма командаси РСФСР коллективидан кейин иккинчи ўринга кўтарилди. Р. Рисқиев олтин, Н. Анфимов ва Ф. Пак кумуш, А. Қодирохунов, И. Муллаев ва В. Юдин бронза медали билан тақдирландилар.

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ УЧУН

Тошкент область партия комитетида бўлиб ўтган йиғилишда физкультура ташкилотларининг 1974 йилда бажарган ишларига якун ясалиб, тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди. Бу тўғрида область физкультура ва спорт комитети раиси А. Ҳафизов доклад қилди.

Кун тартибидаги масала муҳокамасида область «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти раиси О. Хожихонов, область халқ маорифи бўлими инспектори А. Н. Пономарев, Чирчиқ шаҳар енгил атлетикачилар терма командасининг тренери В. Вордзилов, республика физкультура ва спорт комитети бўлим бошлиғи Л. И. Боград ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев нутқ сўзлади.

Пойтахт области физкультура ташкилотлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йилда қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Кўрилган қатор ташкилий тадбирлар туфайли физкультура коллективлари мустаҳкамланди ва улар сони 1158 тага етказилди. Бу коллективларда 273 мингдан кўпроқ физкультурачи шуғулланмоқда. Спорт базаларининг кўпаяётганлиги ва машғулотлар сифатининг яхшиланаётганлиги туфайли ўтган йилда халқаро классдаги тўрт спорт мастери, 42 СССР спорт мастери, 150 мастерликка кандидат, 781 биринчи разрядли спортчи тайёрланди. 61 минг кишидан кўпроқ спортчи оммавий разрядга эга бўлди.

Область спортчилари республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларида актив иштирок этиб, ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Спортнинг 18 тури бўйича ўтказилган ёшлар республика спартакиадасида областимиз командаси иккинчи ўринни олди. Байдаркали гребле ва каноэ ҳайдаш, велосипед спорти, спорт гимнастикаси (қизлар), ГТО кўп кураши, шахмат ва шашка бўйича командаларимиз Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлдилар.

Шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқларда ҳам спортнинг оммавийлашиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Қишлоқ спортчилари республика спартакиадасида иккинчи ўринни эгалладилар. 90 спортчи эса республика терма командаси составида Бутуниттифоқ қишлоқ спорт ўйинларида қатнашди.

Қишлоқ спорт жамияти ўтган йили олти СССР спорт мастери, 23 мастерликка кандидат, биринчи разрядли 201 спортчи, оммавий разрядли 10 минг 478 спортчи тайёрлади. Ўтказилган мусобақаларнинг 1, 2, 3-босқичларида колхозчилар ва совхоз ишчиларидан 40 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Йиғилиш қатнашчилари ютуқларни қайд қилиш билан бирга эътиборни кўпроқ бажарилиши лозим бўлган вазифаларга ҳам қаратдилар. Ҳали ҳам область-да физкультура ва спортни оммавийлаштириш юксак талаблар даражасида эмас. Айниқса, Янгийўл, Калинин, Бўка районлари, Ангрен шаҳрида физкультура ва спортни оммавийлаштиришга кам эътибор берилмоқда. Студентлар ва техникум ўқувчилари ҳам спорт машғулотларига тўла жалб қилинмаяпти.

Кейинги пайтда қатор хўжаликларда, район ва шаҳарларда янги спорт иншоотлари бунёд этилган бўлишига қарамай, улардан фойдаланиш даражаси ниҳоятда паст. Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли, Оққўрғон районидаги Димитров номли, Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг стадионлари ҳувиллаб ётибди. Турли мусобақалар ташкил этиш, ГТО комплексини топширишга эътибор қилинмаяпти. Бу нуқсон биринчи навбатда кадрларга нисбатан талабчанликнинг сусайиб кетганлиги натижасида содир бўлаяпти.

Қишлоқ физкультура ва спорт ташкилотларида ишлаётган кадрларнинг кўпчилиги етарли маълумот ва малакага эга эмаслар. Кўпгина хўжаликларда инструкторлар штатида бошқа касб вакиллари ишламоқдалар. Областимиздаги 34 та спорт мактабининг аксариятида маҳоратли, юқори разрядли спортчилар тайёрлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бекобод шаҳридаги 1-спорт мактаби кейинги беш-олти йил мобайнида бирорта ҳам юқори маҳоратли спортчи тайёрлаб чиқармади. Бошқа ўқув юртларида ҳам спорт мастерлари, юқори разрядли спортчилар тайёрлаш оқсамоқда.

Тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида областимиз физкультура ташкилотлари юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Улар кам деганда 360 минг кишини спорт секцияларига жалб этишга, кўплаб СССР спорт мастерлари, мастерликка кандидатлар, разрядли спортчилар тайёрлашга аҳд қилганлар. Бу вазифани бажармоқ учун бор куч ва имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланиш зарур.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 «Юлдузча». 18.40 — Кўргазма заллари бўйлаб. 19.20 — **«Ахборот».** 19.35 — Халқ контроли экрани. 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — Ёшлар ижоди. 20.45 — Илғорлар минбари. 20.55 — **«Ахборот».** 21.15. — Концерт. 22.00— **«Вақт».** 22.30 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 22.55 — Кино оламида. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.00 — ТОШКЕНТ. 18.00 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30— Инсон ва қонун. 20.00— Концерт. 20.30 — Илмий-оммабоп фильм. 20.50 — **«13 стул».** 22.00— Спорт кўрсатуви. 22.30 — Концерт. 24.00 — Баскетбол. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — **Еримиз жароҳати** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1|IV да **Санъат усталарининг катта концерти.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 1|IV да **Парвона,** 2|IV да **Ой тутилган тунда,** 3|IV да **Йўқолган узук.**

КИНО

Блокада — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Қайта тикланган никоҳ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 АПРЕЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА,
5 АПРЕЛЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ВА КЕЧ 7 ЯРИМДА

БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ ИШТИРОКИДА

ТУРКМАН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ

ЎЗБЕК ЭСТРАДА АНСАМБЛИ

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ҳамро ОДИЛОВ, Каромиддин ҚУЧҚОРОВ, Шоҳсанам РАШИДОВА, Клара РАҲИМОВА, Тўлбой ИУЛДОШЕВ, Тожибой ИУЛДОШЕВ, София ЖУМАҚУЛОВА.

ПРОГРАММАДА: ўзбек, ҳинд, афғон, озарбайжон ва бошқа халқларнинг ашула ва рақслари.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Тошкент область Матлубот жамияти правленеси, партия бюроси ва касаба союз ташкилоти Тошкент районлараро базасининг директор ўринбосари Д. С. Рисбоев ва унинг оиласига ўғли

Рафаил

РИСБОЕВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Эълонлар — 338142.

Р. 03324. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—2443. 11